

الفقه الأَكْبَرُ

Фикҳи акбар

(Ақида фанидан дарслик)

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа

Мутаржим: Афзал Аброр

Тошкент
2017

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳнинг исми ила бошлайман

أَصْلُ التَّوْحِيدِ وَمَا يَصِحُّ الْأَعْتِقَادُ عَلَيْهِ يَجِبُ أَنْ يَقُولَ: آمَنْتُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ
وَرُسُلِهِ وَالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ وَالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى وَالْحِسَابِ وَالْمِيزَانِ وَالْجَنَّةِ
وَالنَّارِ وَذَلِكَ كُلُّهُ حَقٌّ.

Тавҳид асоси ва эътиқод қилиш саҳиҳ бўлган нарсаси: “Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, расулларига, ўлимдан сўнг тирилтиришга, қадарнинг яхшию ёмони Аллоҳдан эканлигига, ҳисобга, меъзонга, жаннатга, дўзахга иймон келтирдим, барчаси ҳақдир”, деб айтиш вожибдир.

وَاللَّهُ تَعَالَى وَاحِدٌ لَا مِنْ طَرِيقِ الْعَدَدِ وَلَكِنْ مِنْ طَرِيقِ أَنَّهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَمْ يَلِدْ وَلَمْ
يُولَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ، لَا يُشَبَّهُ شَيْئًا مِنَ الْأَشْيَاءِ مِنْ خَلْقِهِ وَلَا يُشَبَّهُ شَيْءًا مِنْ
خَلْقِهِ، لَمْ يَزَلْ وَلَا يَزَالُ بِأَسْمَائِهِ وَصِفَاتِهِ الدَّائِمَةِ وَالْفِعْلِيَّةِ.

Аллоҳ таоло бирдир, адад жиҳатдан эмас, унинг шериги йўқлиги жиҳатидандир. У туғмаган, туғилмаган, Унга бирор кимса тенг бўлмаган. Яратилмишлардан бирор нарсага ўхшамас, яратилмишдан Унга бирор нарса

ўхшамас. Ўз исмлари, зотий ва феълий сифатлари ила азалдан бўлган ва бўлади.

أَمَّا الدَّاتِيَّةُ فَالْحَيَاةُ وَالْقُدْرَةُ وَالْعِلْمُ وَالْكَلَامُ وَالسَّمْعُ وَالْبَصَرُ وَالْإِرَادَةُ، وَأَمَّا الْفِعْلِيَّةُ فَالتَّحْلِيْقُ وَالتَّرْزِيْقُ وَالْإِنْشَاءُ وَالْإِبْدَاعُ وَالصَّنْعُ وَغَيْرُ ذَلِكَ مِنْ صِفَاتِ الْفِعْلِ، لَمْ يَزَلْ وَلَا يَزَالُ بِصِفَاتِهِ وَأَسْمَائِهِ لَمْ يَخْدُثْ لَهُ صِفَةٌ وَلَا اسْمٌ.

Зотий сифатлари: хаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш ва ирода.

Феълий сифатлари: яратиш, ризқ бериш, пайдо қилиш, йўқдан бор қилиш, сурат ва шакл бериш ва бундан бошқа феълий сифатлар. У зот ўз сифатлари ва исмлари ила бўлган ва бўлади. Унинг бирорта сифати ва исми кейин пайдо бўлган эмас.

لَمْ يَزَلْ عَالِمًا بِعِلْمِهِ وَالْعِلْمُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَقَادِرًا بِقُدْرَتِهِ وَالْقُدْرَةُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَمُتَكَلِّمًا بِكَلَامِهِ وَالْكَلَامُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَخَالِقًا بِتَخْلِيْقِهِ وَالتَّحْلِيْقُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَفَاعِلًا بِفِعْلِهِ وَالْفِعْلُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ، وَالْفَاعِلُ هُوَ اللَّهُ تَعَالَى وَالْفِعْلُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَالْمَفْعُولُ مَخْلُوقٌ وَفِعْلُ اللَّهِ تَعَالَى غَيْرُ مَخْلُوقٍ، وَصِفَاتُهُ فِي الْأَزْلِ غَيْرُ مُحَدَّثَةٍ وَلَا مَخْلُوقَةٍ، وَمَنْ قَالَ إِنَّهَا مَخْلُوقَةٌ أَوْ مُحَدَّثَةٌ أَوْ وَقَفَ أَوْ شَكَّ فِيهِمَا فَهُوَ كَافِرٌ بِاللَّهِ تَعَالَى.

Ўз илми ила азалдан билган ва илм унинг азалий сифатидир. Ўз қудрати билан азалдан қодир бўлган ва қудрат унинг азалий сифатидир. Яратиши ила азалдан холиқ бўлган ва яратиш

унинг азалий сифатидир. Ўз феъли ила азалдан фоил бўлган ва феъл унинг азалий сифатидир.

Фоил Аллоҳ таолодир, феъл унинг азалдаги сифатидир. Қилинган нарса яратилмишдир. Аллоҳ таолонинг феъли эса яратилмиш эмасдир. Унинг сифатлари азалдан бор бўлиб, янги пайдо бўлмаган ва яратилмагандир. Кимки уларни “яратилгандир” ёки “кейин пайдо бўлгандир” деса ёки бу борада тўхтаб қолса, ёхуд шакка тушса, у Аллоҳ таолога кофирдир.

وَالْقُرْآنُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى فِي الْمَصَاحِفِ مَكْتُوبٌ وَفِي الْقُلُوبِ مَحْفُوظٌ وَعَلَى الْأَلْسِنِ
مَقْرُوءٌ وَعَلَى النَّبِيِّ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ مُنَزَّلٌ، وَلَفْظُنَا بِالْقُرْآنِ مَخْلُوقٌ وَكِتَابَتُنَا لَهُ مَخْلُوقَةٌ
وَقِرَاءَتُنَا لَهُ مَخْلُوقَةٌ وَالْقُرْآنُ غَيْرُ مَخْلُوقٍ.

Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи бўлиб, мусхафларда ёзилган, қалбларда ёд олинган, тилларда қироат қилинган, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилингандир.

Қуръонни талаффуз қилганимиздаги лафзимиз яратилгандир, уни ёзганимиздаги ёзувимиз яратилгандир ва уни тиловат қилганимиздаги қироатимиз ҳам яратилгандир. Аммо Қуръоннинг ўзи яратилмагандир.

وَمَا ذَكَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ حِكَايَةً عَن مُوسَى وَغَيْرِهِ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ السَّلَامُ
وَعَن فِرْعَوْنَ وَإِبْلِيسَ فَإِنَّ ذَلِكَ كُلُّهُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى إِخْبَارًا عَنْهُمْ وَكَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى غَيْرُ

مَخْلُوقٍ وَكَلَامٍ مُوسَىٰ وَغَيْرِهِ مِنَ الْمَخْلُوقِينَ مَخْلُوقٌ، وَالْقُرْآنُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَىٰ فَهُوَ قَدِيمٌ لَا كَلَامُهُمْ، وَسَمِعَ مُوسَىٰ عَلَيْهِ السَّلَامُ كَلَامَ اللَّهِ تَعَالَىٰ كَمَا فِي قَوْلِهِ تَعَالَىٰ (وَكَلَّمَ اللَّهُ مُوسَىٰ تَكْلِيمًا).

Аллоҳ таоло Қуръонда хабар берган Мусо, бошқа пайғамбар алайҳиссаломлар, шунингдек Фиравн ва Иблисдан (гапларини) ҳикоя қилиши Аллоҳ таолонинг улардан хабар бериши бўлиб, улар (ўша оятлар) Аллоҳнинг каломидир. Аллоҳ таолонинг каломидир махлуқ эмасдир. Мусо ва ундан бошқа махлуқотларнинг каломидир махлуқдир. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломидир, Уларнинг каломидир эмас. Аллоҳ таолонинг “...ва Аллоҳ Мусога сўзлашди сўзлади” оятига биноан Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг каломидир эшитганлар.

وَقَدْ كَانَ اللَّهُ تَعَالَىٰ مُتَكَلِّمًا وَلَمْ يَكُنْ كَلِمًا مُوسَىٰ عَلَيْهِ السَّلَامُ وَقَدْ كَانَ اللَّهُ تَعَالَىٰ خَالِقًا فِي الْأَزَلِّ وَلَمْ يَخْلُقِ الْخَلْقَ، فَلَمَّا كَلَّمَ اللَّهُ مُوسَىٰ كَلِمَةً بِكَلَامِهِ الَّذِي هُوَ لَهُ صِفَةٌ فِي الْأَزَلِّ، وَصِفَاتُهُ كُلُّهَا بِخِلَافِ صِفَاتِ الْمَخْلُوقِينَ، يَعْلَمُ لَا كَعِلْمِنَا وَيَقْدِرُ لَا كَقُدْرَتِنَا وَيَرَىٰ لَا كَرُؤْيَتِنَا وَيَتَكَلَّمُ لَا كَكَلَامِنَا وَيَسْمَعُ لَا كَسَمْعِنَا، وَنَحْنُ نَتَكَلَّمُ بِالْأَلَاتِ وَالْحُرُوفِ، وَاللَّهُ تَعَالَىٰ يَتَكَلَّمُ بِأَلَةٍ وَلَا حُرُوفٍ، وَالْحُرُوفُ مَخْلُوقَةٌ وَكَلَامُ اللَّهِ تَعَالَىٰ غَيْرُ مَخْلُوقٍ.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга гапирмаган ҳолида ҳам мутакаллим эди. Аллоҳ таоло азалдан, ҳали махлуқотларни яратмасидан аввал холиқ

(яратувчи) эди. Аллоҳ таоло Мусога Ўз каломи ила гапирганида, азалдан унинг сифати бўлган калом (сифати) ила гапирган. У зотнинг барча сифатлари махлуқотларнинг сифатларига хилоф ҳолида азалдан бордир. Билиши бизнинг билгандек эмас, қодир бўлиши бизнинг қодир бўлишимиздек эмас, кўриши бизнинг кўришимиздек эмас, сўзлаши бизнинг сўзлаганимиздек эмас, эшитиши биз эшитганимиздек эмасдир. Биз аъзолар ва ҳарфлар ила сўзлаймиз, Аллоҳ таоло эса аъзолар ва ҳарфларсиз сўзлайди. Ҳарфлар яратилмишдир, Аллоҳ таолонинг каломи эса яратилмиш эмас.

وَهُوَ شَيْءٌ لَا كَالْأَشْيَاءِ وَمَعْنَى الشَّيْءِ: الثَّابِتُ بِلَا جِسْمٍ وَلَا جَوْهَرٍ وَلَا عَرَضٍ وَلَا حَدٍّ لَهُ وَلَا ضِدٍّ لَهُ وَلَا نِدٍّ لَهُ وَلَا مِثْلَ لَهُ، وَلَهُ يَدٌ وَوَجْهٌ وَنَفْسٌ كَمَا ذَكَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ، فَمَا ذَكَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ مِنْ ذِكْرِ الْوَجْهِ وَالْيَدِ وَالنَّفْسِ فَهُوَ لَهُ صِفَاتٌ بِلَا كَيْفٍ، وَلَا يُقَالُ إِنَّ يَدَهُ قُدْرَتُهُ أَوْ نِعْمَتُهُ لِأَنَّ فِيهِ إِبْطَالُ الصِّفَةِ وَهُوَ قَوْلُ أَهْلِ الْقَدَرِ وَالْإِعْتِزَالِ، وَلَكِنْ يَدُهُ صِفَتُهُ بِلَا كَيْفٍ، وَغَضْبُهُ وَرِضَاهُ صِفَتَانِ مِنْ صِفَاتِ اللَّهِ تَعَالَى بِلَا كَيْفٍ.

У зот “шайъ” (нарса)дир, бошқа нарсалардек эмас. “Шайъ”нинг маъноси: “У зот жисм ҳам, жавҳар ҳам, сифат ҳам бўлмаган ҳолда собитдир”. Шунингдек, У зотнинг чегараси йўқ, зидди йўқ ва тенги йўқдир. Ўзи Қуръонда зикр қилганидек Аллоҳ таолонинг яди, юзи ва нафси бордир. Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилган юз, яд ва нафс кайфиятсиз ҳолда У зотга сифатдир.

“Аллоҳнинг яди, қудрати ёки неъматидир” дейилмайди. Зеро, бунда сифатни йўққа чиқариш бор ва бу қавл қадарий ва мўтазилаларнинг гапидир. Лекин У зотнинг яди кайфиятсиз ҳолда сифатидир. У зотнинг ғазаби ва ризоси кайфиятсиз ҳолда, Аллоҳнинг сифатларидан икки сифатдир.

خَلَقَ اللَّهُ تَعَالَى الْأَشْيَاءَ لَا مِنْ شَيْءٍ، وَكَانَ اللَّهُ تَعَالَى عَالِمًا فِي الْأَزَلِّ بِأَشْيَاءِ قَبْلَ كَوْنِهَا وَهُوَ الَّذِي قَدَّرَ الْأَشْيَاءَ وَقَضَاهَا، وَلَا يَكُونُ فِي الدُّنْيَا وَلَا فِي الْآخِرَةِ شَيْءٌ إِلَّا بِمَشِيئَتِهِ وَعِلْمِهِ وَقَضَائِهِ وَقَدَرِهِ وَكُتْبِهِ فِي اللَّوْحِ الْمَحْفُوظِ، وَلَكِنْ كُتِبَ بِالْوَصْفِ لَا بِالْحُكْمِ، وَالْقَضَاءُ وَالْقَدَرُ وَالْمَشِيئَةُ صِفَاتُهُ فِي الْأَزَلِّ بِلَا كَيْفٍ، يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى الْمَعْدُومَ فِي حَالِ عَدَمِهِ مَعْدُومًا وَيَعْلَمُ أَنَّهُ كَيْفَ يَكُونُ إِذَا أُوجِدَهُ وَيَعْلَمُ اللَّهُ الْمَوْجُودَ فِي حَالِ وُجُودِهِ وَيَعْلَمُ أَنَّهُ كَيْفَ يَكُونُ فَنَاوُهُ، وَيَعْلَمُ اللَّهُ الْقَائِمَ فِي حَالِ قِيَامِهِ قَائِمًا وَإِذَا قَعَدَ فَقَدْ عَلِمَهُ قَاعِدًا فِي حَالِ قُعُودِهِ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَتَغَيَّرَ عِلْمُهُ أَوْ يَحْدُثَ لَهُ عِلْمٌ، وَلَكِنْ التَّغْيِيرُ وَالْإِخْتِلَافُ يَحْدُثُ عِنْدَ الْمَخْلُوقِينَ.

Аллоҳ таоло барча нарсаларни йўқдан бор қилиб яратди. Аллоҳ таоло азалдан нарсаларни пайдо бўлишидан аввал билар эди. У зот нарсаларни ўлчовли қилди ва ўша ўлчов асосида вужудга келтирди. Дунёю охиратда У зотнинг хоҳиши, илми, қазоси, қадари ва лавҳул махфузга ёзишисиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Лекин У зотнинг ёзиши ҳукм қилиш тариқасида эмас, васф қилиш тариқасидадир. Қазо, қадар, машиат (хоҳлаш) кайфиятсиз ҳолда азалдан У зотнинг сифатларидир. Аллоҳ таоло йўқ нарсани йўқ

ҳолида билгувчидир ва У зот ўша нарсани пайдо қилганида, у қандай бўлишини билгувчидир. Аллоҳ мавжуд нарсани мавжуд ҳолида билгувчидир ва У ўша нарсанинг фаноси қандай бўлишини ҳам билгувчидир. Аллоҳ таоло тургувчини турган ҳолида билгувчидир. Қачонки у ўтирса, У зот уни ўтирган ҳолатида унинг ўтирган эканлигини билгувчидир. Бу борада У зотнинг илми ўзгармас ва У зотда янги илм ҳосил бўлмас. Бу каби ўзгариш ва турланиш ҳолатлари махлуқотларда рўй бергувчидир.

خَلَقَ اللَّهُ تَعَالَى الْخَلْقَ سَلِيمًا مِنَ الْكُفْرِ وَالْإِيمَانِ، ثُمَّ خَاطَبَهُمْ وَأَمَرَهُمْ وَنَهَاَهُمْ فَكَفَرَ
مَنْ كَفَرَ بِفِعْلِهِ وَإِنْكَارِهِ وَجُحُودِهِ الْحَقِّ بِخِذْلَانِ اللَّهِ تَعَالَى إِيَّاهُ، وَآمَنَ مَنْ آمَنَ بِفِعْلِهِ
وَإِقْرَارِهِ وَتَصَدِيقِهِ بِتَوْفِيقِ اللَّهِ تَعَالَى إِيَّاهُ وَنُصْرَتِهِ لَهُ، أَخْرَجَ ذُرِّيَّةَ آدَمَ مِنْ صُلْبِهِ فَجَعَلَهُمْ
عُقَلَاءَ فَخَاطَبَهُمْ وَأَمَرَهُمْ بِالْإِيمَانِ وَنَهَاَهُمْ عَنِ الْكُفْرِ فَأَقْرَأُوا لَهُ بِالرُّبُوبِيَّةِ فَكَانَ ذَلِكَ
مِنْهُمْ إِيْمَانًا، فَهُمْ يُؤَلَدُونَ عَلَى تِلْكَ الْفِطْرَةِ، وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَقَدْ بَدَّلَ وَغَيَّرَ وَمَنْ
آمَنَ وَصَدَّقَ فَقَدْ ثَبَّتَ عَلَيْهِ وَدَاوَمَ.

Аллоҳ таоло махлуқотларни куфр ва иймондан саломат ҳолда яратди, сўнгра уларга хитоб қилди, буюрди ва қайтарди. Бас ўз феъли ва инкори, ҳақни рад этиши ва Аллоҳ таолонинг уни шарманда қилиши ила куфр келтирган кимса куфр келтирди. Иймон келтирган кимса ўз феъли, икрори, тасдиқи ва Аллоҳ таолонинг унга тавфиқ бериши, унга ёрдам бериши ила иймон келтирди. У зот Одам алайҳиссаломнинг зурриётларини сулбидан чиқарди ва уларни ақл эгалари қилиб

уларга хитоб қилди, уларни иймонга буюрди ва куфрдан қайтарди. Бас улар У Зот уларнинг Роббилари эканлигига иқроп бўлдилар. Мана шу улар тарафидан бўлган иймондир. Улар айна шу фитратда туғилдилар, ким шундан сўнг куфр келтирса, ўзгартирибди ва алмаштирибди, ким иймон келтирса ва тасдиқ қилса, ўша иймонда собит қолибди ва давомли бўлибди.

وَلَمْ يُجِبْ أَحَدًا مِنْ خَلْقِهِ عَلَى الْكُفْرِ وَلَا عَلَى الْإِيمَانِ وَلَا خَلَقَهُ مُؤْمِنًا وَلَا كَافِرًا وَلَكِنْ خَلَقَهُمْ أَشْخَاصًا، وَالْإِيمَانُ وَالْكُفْرُ فِعْلُ الْعِبَادِ، وَيَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى مَنْ يَكْفُرُ فِي حَالِ كُفْرِهِ كَافِرًا، فَإِذَا آمَنَ بَعْدَ ذَلِكَ عَلِمَهُ مُؤْمِنًا فِي حَالِ إِيْمَانِهِ وَأَحَبَّهُ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَتَغَيَّرَ عِلْمُهُ وَصِفَتُهُ، وَجَمِيعُ أَعْمَالِ الْعِبَادِ مِنَ الْحُرُوكَةِ وَالسُّكُونِ كَسْبُهُمْ عَلَى الْحَقِيقَةِ، وَاللَّهُ تَعَالَى خَالِقُهَا وَهِيَ كُلُّهَا بِمَشِيئَتِهِ وَعِلْمِهِ وَقَضَائِهِ وَقَدَرِهِ.

У зот Ўзининг махлуқотларидан бирор кимсани куфрга ҳам, иймонга ҳам мажбур қилмаган. Бирор кимсани мўмин ҳам, кофир ҳам қилиб яратмаган. У зот уларни шахслар қилиб яратгандир. Иймон ва куфр бандаларнинг феълидир. Аллоҳ таоло куфр келтирган кимсани куфри ҳолида кофир деб билгувчидир. Ўша банда шундан сўнг иймон келтирса, уни иймонли ҳолатида Ўзининг илми ва сифати ўзгармаган ҳолда мўмин деб билгувчидир ва унга мухаббат қилгувчидир. Бандаларнинг ҳаракат ва суқунатдан иборат бўлган барча феъллари ҳақиқатда ўзларининг касбларидир. Аллоҳ таоло ўша феълларни яратгувчидир ва уларнинг

барчаси У зотнинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари ила бўладир.

وَالطَّاعَاتُ كُلُّهَا كَانَتْ وَاجِبَةً بِأَمْرِ اللَّهِ تَعَالَى وَمَحَبَّتِهِ وَبِرِضَائِهِ وَعِلْمِهِ وَمَشِيئَتِهِ
وَقَضَائِهِ وَتَقْدِيرِهِ، وَالْمَعَاصِي كُلُّهَا بَعْلَمِهِ وَقَضَائِهِ وَتَقْدِيرِهِ وَمَشِيئَتِهِ، لَا بِمَحَبَّتِهِ وَلَا
بِرِضَائِهِ وَلَا بِأَمْرِهِ.

Тоатларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг амри, муҳаббати, ризоси, илми, хоҳиши ҳамда қазоси ва қадари ила бўлгувчидир. Маъсиятларнинг барчаси У зотнинг муҳаббати, ризоси ёки буйруғи билан эмас, илми, қазоси, қадари ва хоҳиши ила бўлгувчидир.

وَالْأَنْبِيَاءُ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ كُلُّهُمْ مُنَزَّهُونَ عَنِ الصَّغَائِرِ وَالْكَبَائِرِ وَالْكَفْرِ
وَالْقَبَائِحِ، وَقَدْ كَانَتْ مِنْهُمْ زَلَّاتٌ وَخَطَايَا.

Набий алайҳимуссаломлар барчалари сағийра ва кабира гуноҳлардан, куфр ва қабоҳатлардан муназзахдирлар. Улар тарафидан адашишлар ва хатолар бўлган.

وَمُحَمَّدٌ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ حَبِيبُهُ وَعَبْدُهُ وَرَسُولُهُ وَنَبِيُّهُ وَصَفِيُّهُ وَنَقِيُّهُ، وَمَنْ يَعْبُدِ
الصَّنَمَ وَمَنْ يُشْرِكُ بِاللَّهِ تَعَالَى طَرْفَةً عَيْنٍ قَطُّ وَمَنْ يَرْتَكِبْ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً قَطُّ،

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг ҳабиби, бандаси, расули, танлаб олган ва поклаган набийсидир. У киши бутга ибодат қилмаганлар ва Аллоҳ таолога кўз очиб юмгунча бўлса ҳам ширк келтирмаганлар. Шунингдек сағийра ва кабира гуноҳни ҳам мутлоқ қилмаганлар.

وَأَفْضَلُ النَّاسِ بَعْدَ النَّبِيِّينَ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ ثُمَّ عُمَرُ بْنُ
الْخَطَّابِ الْفَارُوقُ ثُمَّ عَثْمَانُ بْنُ عَفَّانَ ذُو النُّورَيْنِ ثُمَّ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ الْمُرْتَضَى رِضْوَانُ
اللَّهِ عَلَيْهِمْ أَجْمَعِينَ عَابِدِينَ ثَابِتِينَ عَلَى الْحَقِّ وَمَعَ الْحَقِّ، نَتَوَلَّاهُمْ جَمِيعًا وَلَا نَذْكُرُ أَحَدًا مِنْ
أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ إِلَّا بِخَيْرٍ.

Набий алайҳимуссаломлардан сўнг инсонларнинг энг афзали Абу Бакр Сиддик сўнгра Умар ибн Хаттоб Форук сўнгра Усмон ибн Аффон Зиннурайн сўнгра Али ибн Абу Толиб Муртазодир. Аллоҳ таолонинг ризоси барчаларига бўлсин. Обиддирлар, ҳақ узра ва ҳақ билан собитдирлар. Уларнинг барчаларини яхши кўрамиз ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларини ҳар бирини фақатгина яхшилик ила зикр қиламиз.

وَلَا نُكْفِرُ مُسْلِمًا بِذَنْبٍ مِنَ الذُّنُوبِ وَإِنْ كَانَتْ كَبِيرَةً إِذَا لَمْ يَسْتَحِلِّهَا وَلَا نُزِيلُ عَنْهُ اسْمَ الْإِيمَانِ وَنُسَمِّيهِ مُؤْمِنًا حَقِيقَةً وَيَجُوزُ أَنْ يَكُونَ مُؤْمِنًا فَاسِقًا غَيْرَ كَافِرٍ.

Бирор мусулмонни – гарчи гуноҳи кабира қилган бўлса ҳам – токи гуноҳни ҳалол санамагунча бирор гуноҳи учун кофирга чиқармаймиз. Ундан иймон исмини зоил қилмаймиз ва уни ҳақиқатан мўмин деб номлаймиз. Уни фосиқ мўмин деб номлаш жоиздир, кофир деб эмас.

وَالْمَسْحُ عَلَى الْحُقَيْنِ سُنَّةٌ وَالتَّرَاوِيحُ فِي لَيَالِي شَهْرِ رَمَضَانَ سُنَّةٌ وَالصَّلَاةُ خَلْفَ كُلِّ بَرٍّ وَفَاحِرٍ جَائِزَةٌ، وَلَا نَقُولُ إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَا تَضُرُّهُ الذُّنُوبُ وَلَا نَقُولُ إِنَّهُ لَا يَدْخُلُ النَّارَ، وَلَا نَقُولُ إِنَّهُ يَخْلُدُ فِيهَا وَإِنْ كَانَ فَاسِقًا بَعْدَ أَنْ يَخْرُجَ مِنَ الدُّنْيَا مُؤْمِنًا، وَلَا نَقُولُ إِنَّ حَسَنَاتِنَا مَقْبُولَةٌ وَسَيِّئَاتِنَا مَغْفُورَةٌ كَقَوْلِ الْمُرْجِيَّةِ، وَلَكِنْ نَقُولُ مَنْ عَمِلَ حَسَنَةً بِجَمِيعِ شَرَائِطِهَا خَالِيَةً عَنِ الْعُيُوبِ الْمُنْفَسِدَةِ وَمَنْ يُبْطِلُهَا بِالْكَفْرِ وَالرَّدَّةِ وَالْأَخْلَاقِ السَّيِّئَةِ حَتَّى خَرَجَ مِنَ الدُّنْيَا مُؤْمِنًا فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يُضَيِّعُهَا بَلْ يَقْبَلُهَا مِنْهُ وَيُثَبِّتُهَا عَلَيْهَا.

Икки маҳсига масҳ тортиш, Рамазон ойининг тунларида таровех намозини ўқиш суннатдир. Ҳар бир яхши ва ёмон мўмин орқасида намоз ўқиш жоиздир.

“Мўминга гуноҳлар зарар етказмайди” ёки “мўмин дўзахга кирмайди” демаймиз. Шунингдек “фосиқ бўлган ҳолида мўмин бўлиб дунёдан чиққанидан сўнг дўзахда абадий қолади”

демаймиз. Муржиалар каби “яхшиликларимиз мақбулдир, ёмонликларимиз кечирилгандир” демаймиз. Лекин кимки яхшиликни барча шартлари ила, фасод қилувчи айблардан холий ҳолда бажарса, ўша яхшиликни куфр, муртадлик, ёмон ахлоқлар каби нарсалар ила уни йўққа чиқармаса ва дунёдан мўмин холида чиқса, албатта Аллоҳ таоло ўша амални зое қилмайди. Аксинча У зот ундан яхши амалини қабул қилади ва унинг эвазига савоб беради.

وَمَا كَانَ مِنَ السَّيِّئَاتِ دُونَ الشِّرْكِ وَالْكَفْرِ وَلَمْ يَتَّبِعْ عَنْهَا صَاحِبُهَا حَتَّى مَاتَ مُؤْمِنًا
فَإِنَّهُ مُؤْمِنٌ وَفِي مَشِيئَةِ اللَّهِ تَعَالَى إِنْ شَاءَ عَذَّبَهُ بِالنَّارِ وَإِنْ شَاءَ عَفَا عَنْهُ وَلَمْ يُعَذِّبْ بِالنَّارِ
أَصْلًا، وَالرِّيَاءُ إِذَا وَقَعَ فِي عَمَلٍ مِنَ الْأَعْمَالِ فَإِنَّهُ يُبْطَلُ أَجْرُهُ وَكَذَلِكَ الْعُجْبُ.

Ширк ва куфрдан бошқа ҳар қандай ёмонликлар соҳиби ўлгунича тавба қилмасдан мўмин холида ўтса, Аллоҳнинг хоҳишида бўлур. Хоҳласа дўзах билан азоблайди, хоҳласа афв қилади, дўзах ила азобламайди.

Риё бирор амалда содир бўлса, амалнинг ажрини йўққа чиқаради, ужб ҳам шундай.

وَالآيَاتُ ثَابِتَةٌ لِلرُّسُلِ وَاللَّيْلَةُ لِلرُّسُلِ وَاللَّيْلَةُ لِلرُّسُلِ وَاللَّيْلَةُ لِلرُّسُلِ وَاللَّيْلَةُ لِلرُّسُلِ
وَفِرْعَوْنُ وَالذَّجَالُ فِيمَا رُوِيَ الْأَخْبَارُ أَنَّهُ كَانَ وَيَكُونُ لَهُمْ، لَا نُسَمِّيَهَا آيَاتٍ وَلَا كَرَامَاتٍ
وَلَكِنْ نُسَمِّيَهَا قَضَاءَ حَاجَاتِهِمْ، وَذَلِكَ لِأَنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقْضِي حَاجَاتِ أَعْدَائِهِ اسْتِدْرَاجًا لَهُمْ
وَعُقُوبَةً لَهُمْ فَيَعْتَرُونَ بِهِ وَيَزِدُّونَ طُغْيَانًا وَكُفْرًا، وَكُلُّهُ جَائِزٌ مُمَكِّنٌ.

Мўъжизалар набийлар учун, кароматлар авлиёлар учундир, у ҳақдир. Хабарларда ривоят қилинганига биноан Иблис, Фиръавн, Дажжол каби Аллоҳнинг душманларига нарсалар бўлган ва бўлгувчидир. Уларни мўъжиза ҳам, каромат ҳам деб номламаймиз. Бундай ҳолатларни уларнинг ҳожатларини чиқариш деб номлаймиз. Бунинг сабаби Аллоҳ таоло ўз душманларига истидрож (арқонни узун ташлаш) ва уқубат бериш учун ҳожатларини раво қилади. Бас улар ўша нарсалар ила алданадилар ва туғён, куфрда зиёдаликка кетадилар. Буларнинг барчаси жоиздир, мумкиндир.

وَكَانَ اللَّهُ تَعَالَى خَالِقًا قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ وَرَازِقًا قَبْلَ أَنْ يَرْزُقَ، وَاللَّهُ تَعَالَى يُرَى فِي
الْآخِرَةِ وَيَرَاهُ الْمُؤْمِنُونَ وَهُمْ فِي الْجَنَّةِ بِأَعْيُنٍ رُؤُوسِهِمْ بِلاَ تَشْبِيهِ وَلَا كَيْفِيَّةٍ وَلَا يَكُونُ بَيْنَهُ
وَبَيْنَ خَلْقِهِ مَسَافَةٌ.

Аллоҳ таоло яратишдан олдин Холик эди, ризқ беришидан олдин Розик эди.

Аллоҳ таоло қиёматда кўринади ва мўминлар жаннатда У зотни ўхшатиб бўлмас ва кайфиятсиз ҳолда бошларидаги кўзлари билан кўрадилар. Бунда У зот ва бандалар орасида масофа бўлмайди.

وَالْإِيمَانُ هُوَ الْإِقْرَارُ وَالتَّصَدِيقُ، وَإِيمَانُ أَهْلِ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ يَزِيدُ وَيَنْقُصُ مِنْ جِهَةِ الْمُؤْمِنِ بِهَا، وَلَا يَزِيدُ وَلَا يَنْقُصُ مِنْ جِهَةِ الْيَقِينِ وَالتَّصَدِيقِ، وَالْمُؤْمِنُونَ مُسْتَوُونَ فِي الْإِيمَانِ وَالتَّوْحِيدِ مُتَفَاضِلُونَ فِي الْأَعْمَالِ.

Иймон тил билан икром қилиш ва қалб билан тасдиқлашдир. Осмон ва ер аҳллариинг иймони иймон келтирилган нарса жиҳатидан зиёда ва ноқис бўлади. Яқийн ва тасдиқ жиҳатидан зиёда ва ноқис бўлмайди. Мўминлар иймон ва тавҳид борасида тенг, амал борасида тафовутлидирлар.

وَالْإِسْلَامُ هُوَ التَّسْلِيمُ وَالْإِنْقِيَادُ لِأَوَامِرِ اللَّهِ تَعَالَى، فَمِنْ طَرِيقِ اللَّغَةِ فَرَقَ بَيْنَ الْإِسْلَامِ وَالْإِيمَانِ، وَلَكِنْ لَا يَكُونُ إِيْمَانٌ بِلَا إِسْلَامٍ وَلَا يُوجَدُ إِسْلَامٌ بِلَا إِيْمَانٍ وَهُمَا كَالظَّهْرِ مَعَ الْبَطْنِ، وَالذِّينُ اسْمٌ وَقَعَ عَلَى الْإِيْمَانِ وَالْإِسْلَامِ وَالشَّرَائِعِ كُلِّهَا.

Ислон – Аллоҳ таолонинг буйруқларига таслим бўлиш ва бўйинсунишдир. Луғат жиҳатидан ислон ва иймон орасида фарқ бор, лекин иймон ислонсиз, ислон иймонсиз мавжуд бўлмайди. Бу иккиси бел ва қорин кабидир. Дин – иймон, ислон ва шариатдаги барча амалларга нисбатан айтиладиган исмдир.

نَعْرِفُ اللَّهَ تَعَالَى حَقَّ مَعْرِفَتِهِ كَمَا وَصَفَ نَفْسَهُ فِي كِتَابِهِ بِجَمِيعِ صِفَاتِهِ، وَلَيْسَ يَقْدِرُ أَحَدٌ أَنْ يَعْبُدَ اللَّهَ حَقَّ عِبَادَتِهِ كَمَا هُوَ أَهْلٌ لَهُ، وَلَكِنَّهُ يَعْبُدُهُ بِأَمْرِهِ كَمَا أَمَرَهُ فِي كِتَابِهِ وَسُنَّةِ رَسُولِهِ.

Биз Аллоҳ таолони Ўз нафсини Ўзини китобида васфлагани каби барча сифатлари ила танурмиз. Аллоҳ таолога У Зот муносиб бўлганидек ҳақиқий ибодатни ҳеч бир кимса қила олмас. Аммо У зотнинг амри ила Ўз китобида ва Расулининг суннатида буюрганидек ибодат қила олади.

وَيَسْتَوِي الْمُؤْمِنُونَ كُلُّهُمْ فِي الْمَعْرِفَةِ وَالْيَقِينِ وَالتَّوَكُّلِ وَالْمَحَبَّةِ وَالرِّضَاءِ وَالْخَوْفِ وَالرَّجَاءِ وَالْإِيمَانَ، وَيَتَفَاوَتُونَ فِي مَا دُونَ الْإِيمَانِ فِي ذَلِكَ كُلِّهِ.

Мўминларнинг барчалари маърифатда, яқийнда, таваккулда, муҳаббатда, ризода, хавфда, ражода ва иймонда тенгдирлар, иймондан бошқа барчасида (тенг бўлишларига қарамай уларнинг даражаларида) тафовутлидирлар.

وَاللَّهُ تَعَالَى مُتَّفَضِّلٌ عَلَى عِبَادِهِ عَادِلٌ، قَدْ يُعْطِي مِنَ الثَّوَابِ أضعافَ مَا يَسْتَوْجِبُهُ الْعَبْدُ تَفَضُّلاً مِنْهُ وَقَدْ يُعَاقِبُ عَلَى الذَّنْبِ عَدْلًا مِنْهُ وَقَدْ يَغْفُو فَضْلاً مِنْهُ،

Аллоҳ таоло ўз бандаларига фазл ато этгувчи одил Зотдир. Савобга банда лойиқ бўлгандан кўра Аллоҳ кўп баробар кўпайтириб, Ўз фазлидан беради. Ўз тарафидан бўлган адолат ила гуноҳ учун иқобга тутади. Ҳамда Ўз фазли ила авф қилур.

وَشَفَاعَةُ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ السَّلَامُ حَقٌّ، وَشَفَاعَةُ النَّبِيِّ لِلْمُؤْمِنِينَ الْمُدْنِبِينَ وَلَا أَهْلَ الْكِبَائِرِ مِنْهُمْ الْمُسْتَوْجِبِينَ الْعِقَابِ حَقٌّ ثَابِتٌ، وَوَزْنُ الْأَعْمَالِ بِالْمِيزَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَقٌّ، وَحَوْضُ النَّبِيِّ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ حَقٌّ، وَالْقِصَاصُ فِيمَا بَيْنَ الْحُصُومِ بِالْحُسْنَاتِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَقٌّ وَإِنْ لَمْ تَكُنْ لَهُمُ الْحُسْنَاتِ فَطَرَحُ السَّيِّئَاتِ عَلَيْهِمْ حَقٌّ جَائِزٌ.

Набий алайҳимуссаломларнинг шафоатлари ҳақдир. Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гуноҳкор, иқобга лойиқ мўминларга гуноҳи кабира аҳлларига шафоатлари ҳақ ва собитдир.

Амаллар қиёмат куни мезонда тортилиши ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳавзлари, хусуматчилар орасида қиёмат куни яхшиликлари олиниб берилиши билан қасос олиниши ҳақдир. Агар уларнинг яхшиликлари бўлмаса, уларга ёмонликлар юкланиши ҳам ҳақ ва жоиздир.

وَالْجَنَّةُ وَالنَّارُ مَخْلُوقَتَانِ لَا تَفْنَيَانِ أَبَدًا، وَلَا يَفْنَى عِقَابُ اللَّهِ تَعَالَى وَثَوَابُهُ سَرْمَدًا، وَاللَّهُ تَعَالَى يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ فَضْلًا مِنْهُ وَيُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ عَدْلًا مِنْهُ، وَإِضْلَالُهُ خِذْلَانُهُ

وَتَفْسِيرُ الْحِذْلَانِ أَنْ لَا يُوفَّقَ الْعَبْدَ إِلَى مَا يَرْضَاهُ وَهُوَ عَدْلٌ مِنْهُ، وَكَذَا عُقُوبَةُ الْمَخْذُولِ عَلَى الْمَعْصِيَةِ.

Ҳозирда жаннат ва дўзах яратилган бўлиб, ҳеч қачон фоний бўлмайди.

Аллоҳ таолонинг иқоби ва савоби ҳеч қачон фоний бўлмас. Аллоҳ таоло ўз фазли ила истаган кишисини ҳидоят қилур ва ўз адли ила истаган кишисини залолатга кетказур. У зотнинг залолатга кетказиши шарманда қилишидир. Шарманда қилишининг тафсири: бандани Ўзи рози бўладиган нарсага муваффақ қилмаслигидир. Бу У Зот тарафидан бўлган адолатдир. Шунингдек, шарманда қилинганни маъсият сабабидан иқобга тортиши ҳам У зот тарафидан адолатдир.

وَلَا يَجُوزُ أَنْ نَقُولَ إِنَّ الشَّيْطَانَ يَسْلُبُ الْإِيمَانَ مِنَ الْعَبْدِ الْمُؤْمِنِ قَهْرًا وَجَبْرًا، وَلَكِنْ نَقُولُ الْعَبْدُ يَدْعُ الْإِيمَانَ فَحِينَئِذٍ يَسْلُبُهُ مِنْهُ الشَّيْطَانُ، وَسُؤَالُ مُنْكَرٍ وَنَكِيرٍ حَقٌّ كَائِنْ فِي الْقَبْرِ، وَإِعَادَةُ الرُّوحِ إِلَى الْجَسَدِ فِي قَبْرِهِ حَقٌّ وَصَغَطَةُ الْقَبْرِ وَعَذَابُهُ حَقٌّ كَائِنْ لِلْكَفَّارِ كُلِّهِمْ وَلِبَعْضِ عَصَاةِ الْمُؤْمِنِينَ حَقٌّ جَائِزٌ.

“Шайтон иймонни мўмин бандадан зўрлик ила тортиб олади” деб айтишимиз жоиз эмасдир. Балки “бандани ўзи иймонни ташлайди, шунда Шайтон ундан иймонни тортиб олади” деймиз.

Мункар ва Накирнинг қабрдаги саволи ҳақдир, қабрда бўлгувчидир. Рухнинг қабрда жасадга қайтарилиши ҳақдир, қабрнинг қисиши ва азоби ҳақдир, кофирларнинг барчасига ва баъзи осий мўминларга бўлиши ҳақ ва жоиздир.

وَكُلُّ شَيْءٍ ذَكَرَهُ الْعُلَمَاءُ بِالْفَارِسِيَّةِ مِنْ صِفَاتِ اللَّهِ عَزَّ اسْمُهُ فَجَائِزُ الْقَوْلِ بِهِ سِوَى
الْيَدِ بِالْفَارِسِيَّةِ وَيَجُوزُ أَنْ يُقَالَ بُرُوى خُدا بِلا تَشْبِيهِ وَلَا كَيْفِيَّةِ.

Аллоҳ таолонинг сифатларидан бўлган ва уламолар форсча зикр қилган ҳар бир сифатни айтиш жоиз. Аммо ядни форсча айтиш жоиз эмасдир. Ўхшатишсиз ва кайфиятсиз ҳолда “буруйи худо” дейиш жоиздир.

وَلَيْسَ قُرْبُ اللَّهِ تَعَالَى وَلَا بُعْدُهُ مِنْ طَرِيقِ طُولِ الْمَسَافَةِ وَقَصْرِهَا وَلَكِنْ عَلَى مَعْنَى
الْكَرَامَةِ وَالْهُوَانِ، وَالْمُطِيعُ قَرِيبٌ مِنْهُ بِلا كَيْفٍ وَالْعَاصِي بَعِيدٌ مِنْهُ بِلا كَيْفٍ، وَالْقُرْبُ
وَالْبُعْدُ وَالْإِقْبَالُ يَقَعُ عَلَى الْمُنَاجِي، وَكَذَلِكَ جِوَارُهُ فِي الْجَنَّةِ وَالْوُقُوفُ بَيْنَ يَدَيْهِ بِلا كَيْفِيَّةِ.

Аллоҳ таолонинг яқинлиги ва узоқлиги масофанинг узунлиги ёки калталиги билан эмас, балки икром қилиш ёки ерга уриш маъносидадир. Итоат қилувчи У Зотга кайфиятсиз ҳолда яқиндир. Масият қилувчи У зотдан кайфиятсиз ҳолда узоқдир. Яқинлик ёки узоқлик ва юзланиш муножот қилаётган бандага нисбатан воқеъ бўлади. Шунингдек, Аллоҳ таолога жаннатда

яқин бўлиш, У зотнинг олдида туриш кайфиятсиздир.

وَالْقُرْآنُ مُنَزَّلٌ عَلَىٰ رَسُولِ اللَّهِ وَهُوَ فِي الْمَصَاحِفِ مَكْتُوبٌ وَأَيَاتُ الْقُرْآنِ فِي مَعْنَى الْكَلَامِ كُلِّهَا مُسْتَوِيَةٌ فِي الْفَضِيلَةِ وَالْعِظْمَةِ إِلَّا أَنَّ لِبَعْضِهَا فَضِيلَةَ الذِّكْرِ وَفَضِيلَةَ الْمَذْكُورِ مِثْلُ آيَةِ الْكُرْسِيِّ لِأَنَّ الْمَذْكُورَ فِيهَا جَلَالُ اللَّهِ تَعَالَى وَعِظْمَتُهُ وَصِفَاتِهِ فَاجْتَمَعَتْ فِيهَا فَضِيلَتَانِ فَضِيلَةُ الذِّكْرِ وَفَضِيلَةُ الْمَذْكُورِ، وَلِبَعْضِهَا فَضِيلَةُ الذِّكْرِ فَحَسَبُ مِثْلِ قِصَّةِ الْكُفَّارِ وَلَيْسَ لِلْمَذْكُورِ فِيهَا فَضْلٌ وَهُمْ الْكُفَّارُ، وَكَذَلِكَ الْأَسْمَاءُ وَالصِّفَاتُ كُلُّهَا مُسْتَوِيَةٌ فِي الْعِظْمَةِ وَالْفَضْلِ لَا تَفَاوُتَ بَيْنَهَا.

Қуръон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган, мусхафларда ёзилгандир. Қуръон оятларининг барчаси калом эътиборидан фазилат ва улуғликда тенгдир. Аммо уларнинг баъзиларида зикр қилиниш ва зикр қилинмиш фазилати бор. Бунга мисол оятал-курсийдир. Оятал-курсийда зикр қилинмиш Аллоҳ таолонинг олийлиги, улуғлиги ва сифатлари бўлиб, унда икки фазилат жамланган: зикр қилиниш ва зикр қилинмиш фазилати. Баъзи оятларнинг зикр қилиниш фазилати бор холос. Масалан кофирларнинг қиссаси келган оятлар, ушбу оятларда зикр қилинмишларнинг фазилати йўқ, улар кофирлардир. Шунингдек барча исмлар ва сифатлар улуғликда ва фазлда тенг бўлиб, ўзаро тафовут қилмайдилар.

وَقَاسِمٌ وَطَاهِرٌ وَإِبْرَاهِيمُ كَانُوا بَنِي رَسُولِ اللَّهِ وَفَاطِمَةُ وَرُقِيَّةُ وَزَيْنَبُ وَأُمُّ كُلثُومُ كُنَّ
جَمِيعًا بَنَاتِ رَسُولِ اللَّهِ،

Қосим, Тоҳир Иброҳим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғиллари бўлишган. Фотима, Руқайя, Зайнаб, Умму Кулсумлар Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари бўлишган.

وَإِذَا أَشْكََلَ عَلَى الْإِنْسَانِ شَيْءٌ مِنْ دَقَائِقِ عِلْمِ التَّوْحِيدِ فَإِنَّهُ يَنْبَغِي لَهُ أَنْ يَعْتَقِدَ فِي
الْحَالِ مَا هُوَ الصَّوَابُ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى إِلَى أَنْ يَجِدَ عَالِمًا فَيَسْأَلُهُ، وَلَا يَسَعُهُ تَأْخِيرُ الطَّلَبِ
وَلَا يُعْذَرُ بِالْوُقُوفِ فِيهِ وَبِكَفْرٍ إِنْ وَقَفَ.

Инсонга тавҳид илмининг дақиқ жойларидан бирор нарса тушунарсиз бўлиб қолса, токи бирор олимни топиб ундан шу борада сўраб олмагунича унга ўша заҳоти Аллоҳ таолонинг ҳузурида тўғри бўлганга эътиқод қилиш лозим бўлади. Бу нарсани талаб қилишни ортга суриш унга тўғри келмайди ва бу борада тўхтаб туриш узрли ҳисобланмайди. Агар (қасддан) тўхтаб турса, кофир бўлади.

وَحَبْرُ الْمِعْرَاجِ حَقٌّ مَنْ رَدَّهُ فَهُوَ مُبْتَدِعٌ ضَالٌّ، وَخُرُوجِ الدَّجَالِ وَيَأْجُوحَ وَمَأْجُوحَ
وَطُلُوعِ الشَّمْسِ مِنْ مَغْرِبِهَا وَنُزُولِ عِيسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ مِنَ السَّمَاءِ وَسَائِرِ عِلَامَاتِ يَوْمِ
الْقِيَامَةِ عَلَى مَا وَرَدَتْ بِهِ الْأَخْبَارُ الصَّحِيحَةُ حَقٌّ كَائِنٌ.

وَاللَّهُ تَعَالَى يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ.

Меърож хабари ҳақдир, ким уни рад этса, у бидъатчи ва залолатга кетгандир. Дажжол, Яъжуж ва Маъжужларнинг чиқиши, қуёшнинг мағрибдан чиқиши, Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушишлари ва саҳиҳ хабарларда келган қиёматнинг бошқа аломатлари ҳақдир, содир бўлгувчидир.

Аллоҳ таоло истаган кимсасини сироти мустақимга ҳидоят қилгувчидир.